

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМҚУЛОВ ЖАСУР ИМОМБОЕВИЧ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРГА ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Каримкулов Жасур Имомбоевич

Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари..... 3

Каримкулов Жасур Имомбоевич

Направления развития привлечения иностранных инвестиций в свободные экономические зоны..... 37

Karimkulov Jasur Imomboevich

Directions of development of attraction of foreign investments into free economic zones..... 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 73

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМҚУЛОВ ЖАСУР ИМОМБОЕВИЧ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРГА ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Iqt129 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Расмий оппонентлар:

Ғуломов Саидахрор Саидахмедович
Иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Жумаев Нодир Хосиятович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кузиева Наргиза Рамазановна
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: 0(371) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.Х.Атаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, и.ф.д., доцент

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро тажриба таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат ва ҳудуднинг барқарор иқтисодий ўсиш ва бунга маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилишга инвестицион фаолликни ошириш орқали эришиш мумкин. Мазкур жараёнда эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ) инвестицион фаолликни рағбатлантиришнинг энг самарали шаклларида бири ҳисобланади. Алоҳида солиқ ва божхона режими (имтиёзлар) мавжудлиги, арзон ишчи кучи, хом-ашёни олиб кириш ва чиқиш тартиби ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг соддалашгани маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилади. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. “Айни вақтда дунёда 5400 дан ортиқ эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд бўлиб, эркин иқтисодий ҳудудларда дунё ялпи маҳсулотининг деярли 500 млрд. АҚШ доллардан ортиқ қисми яратилиб, уларда қарийб 70 миллионга яқин киши фаолият олиб бормоқда”¹. Халқаро тажрибада мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш самарали йўللardan бири сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида хорижий инвестицияларни эркин иқтисодий ҳудудларга жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий-тадқиқотларда иқтисодиётни модернизация қилиш, ЭИХларни ташкил этишда хорижий капитални жалб қилиш, юқори технологияларни ишлаб чиқариш, кадрлар малакасини ошириш ҳамда ривожланмаган ҳудудларни жадал ривожланаётган ҳудудларга айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Изланишлар натижасида ЭИХ инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, ҳудудий ишсизликнинг олдини олиш, халқаро товар айрибошлашни жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали модернизация қилишда илмий-ишлаб чиқариш соҳаси салоҳиятидан кенг фойдаланиш масалалари ўз ечимини топган. Аммо, ЭИХнинг ҳозиргача аниқ турлари тўлиқ шаклланмаганлиги, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ягона ёндашувнинг ишлаб чиқилмаганлиги сабабли мазкур масала бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, “Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди”².

¹ www.worldbank.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2018 йилдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600- сонли Фармони.

Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш мақсадида 21 та эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 1049,2 млн. АҚШ долларга тенг 166 та лойиҳа амалга оширилган, 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.³ Аммо мамлакатимизда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарнинг ўн йиллик ривожланиш тарихи натижалари Ўзбекистонда ЭИХларнинг сўнгги йиллардаги ислохотларда мамлакат саноатининг ривожланишида “локомотив” бўла олмаганлигини кўрсатмоқда. ЭИХнинг ижтимоий, иқтисодий ва илмий – техник хусусиятларини инобатга олганда ЭИХларнинг ўрта ва узок муддатли ривожланиш стратегиялари мавжуд эмаслиги, ЭИХ фаолияти муаммоларини ҳал қилиш бўйича масъул ягона давлат тизимининг шаклланмаганлиги сабабли ЭИХларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими суст бўлиб, бугунги кунда мазкур масалаларни ҳал этилиши алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сонли Фармони, 2018 йил 5 июндаги “Навоий” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3774-сонли Қарори, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 16 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁴ Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш, уларга

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти (www.president.uz)

⁴ www.worldbank.org; www.fias.net; www.ifc.org; www.miga.org; www.urfu.ru; www.iep.ru; www.frccsc.ru; www.pgplaw.ru; www.princeton.edu; www.investkorea.org

хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш масалалари дунёдаги қатор етакчи халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, молия институтлари, нуфузли илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари, хусусан, Жаҳон банки (World Bank), Молия ва суғурта маслаҳатлари хизматлари ташкилоти (Financial and Insurance Advisory Services (FIAS)), Халқаро молия корпорацияси (The International Finance Corporation (IFC)), Кўп томонлама инвестицияларни кафолатлаш агентлиги (The Multilateral Investment Guarantee Agency (MIGA), Ural Federal University Named after the first President of Russia B.N. Yeltsin, Институт экономической политики имени Е.Т. Гайдара (Институт Гайдара), Федерального государственного учреждения «Федеральный исследовательский центр «Информатика и управление» Российской академии наук», управляющий партнер юридической компании «Пепеляев, Гольцблат и партнеры», Princeton University (USA), Корея Инвестиция агентлиги кабиларнинг доимий диққат марказида эканлиги маъмур тадқиқот ишининг нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни самарали жалб этиш, улардаги инвестиция муҳитини яхшилаш, ушбу ҳудудларни интенсив ривожланишига эришиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор илмий натижалар олинган: глобал инвестициялар ҳаракатида эркин иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги услубиёти такомиллаштирилган. (Жаҳон банки (World Bank)), Халқаро молия корпорацияси (The International Finance Corporation (IFC)); эркин иқтисодий ҳудудларда маъмурий, солиқ ва бошқа алоҳида режимларни қўллашнинг самарали йўналишлари таклиф этилган (Молия ва суғурта маслаҳатлари хизматлари ташкилоти (Financial and Insurance Advisory Services (FIAS))); ривожланаётган мамлакатлардаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятлари эконометрик моделлар орқали таҳлил этилган ва улардан фойдланиш самарадорлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Ural Federal University Named after the first President of Russia B.N.Yeltsin ва Институт экономической политики имени Е.Т.Гайдара (Институт Гайдара)), жаҳон иқтисодиёти глобаллашув тенденцияларининг Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарига таъсирини ҳисобга олиб, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг инновацион механизми таклиф этилган (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури), ривожланаётган мамлакатлардаги эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)), эркин портлар фаолиятини миллий логистика тизимларига интеграция қилишнинг асосий методлари такомиллаштирилган (Латвия Республикаси Давлат даромадлари хизмати).

Жаҳонда эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари бўйича бир қатор устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишдаги асосий муаммоларни ўрганиш; эркин иқтисодий ҳудудларнинг бир тури сифатида эркин божхона ҳудудларида

алоҳида божхона режимлари ва солиқ имтиёзлари, шунингдек, преференцияларни жорий этиш ҳамда бу орқали хорижий инвесторларни жалб қилиш истиқболлари бўйича ёндашувлар ишлаб чиқиш; АҚШ, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа хорижий давлатда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш тартиби ва уларга хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, уларни ривожланиётган мамлакатлар иқтисодиётига имплементация қилишнинг методологик масалалари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Т.Farole⁵, J.Zhan, Т.Avishek, D.Matthieu, И.Шаблинский, М.Неучева, М.Смитиенко, Н.А.Орлова, В.Е.Рыбалкина, М.М.Boguslavskiy, А.Кузнецов, С.Рыбаков, В.Попов, Т.П.Данько, К.Yeongjin томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда эркин иқтисодий ҳудудлар турлари, фаолияти ва инвестицияларни жалб қилиш масалалари ўрганилган. Бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикаимиз иқтисодчи олимлари А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов, С.С.Мирзалиева, Ш.И.Мустафакулов, А.А.Остонокулов, М.А.Раимжонова, Б.Б.Валиев, С.С.Бозаровларнинг⁶ илмий ишларида тадқиқ этилган ва ўрганилган. Аммо, уларнинг илмий ишларида

⁵ Farole, T. (2011). Special economic zones in Africa: comparing performance and learning from global experience. Directions in Development; trade. World Bank. // Zhan, J. X. and J. Karl (2016). "Investment Incentives for Sustainable Development". In Tavares-Lehmann, A. T <https://worldinvestmentforum.unctad.org/session/free-special-economic-zones-challenges-and-opportunities/> The Economic Times <https://economictimes.indiatimes.com/news/economy/policy/what-is-special-economic-zone/articleshow/1164460.cms/> Special economic zones as a tool for economic development Matthieu DeClerq, Anshu Vats, Stephen Clements. <https://www.oliverwyman.com/content/dam/oliverwyman/ME/banners/Special%20Economic%20Zonesdigitalrev.pdf/> Шаблинский И. Г. Таможенные процедуры и логистика. Правовая поддержка М. Альпина Паблишер, 2007. <https://cyberleninka.ru/article/v/osobyie-ekonomicheskie-zony-kak-instrument-antikrizisnoy-politiki/> Особые экономические зоны/ консорциум по вопр. Приклад. Эконом. Исслед., Неучева М. Ю.: ИЭПП, 2009 <https://cyberleninka.ru/article/v/osobyie-ekonomicheskie-zony-kak-instrument-antikrizisnoy-politiki/> Международные экономические отношения: Учебник / Под ред. Б.М. Смитиенко. М.: Инфра-М, 2005.// Рыбаков С.А., Орлова Н.А. Особые экономические зоны в России: Налоговые льготы и преимущества. М.: Вершина, 2006// Международные экономические отношения: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Е. Рыбалкина. М.: ЮНИТИ-ДАНА// Богуславский М.М. Международное частное право. 5-е изд. М.: Юрист, 2004// Кузнецов А. Свободные зоны и национальная экономика // Мировая экономика и международные. отношения. - 1990. - N 12. - С. 24.// Рыбаков С.А., Орлова Н.А. Особые экономические зоны в России. - М.: Вершина, 2006. - С. 12 // Papava Vladimir. The Immortal idea of a free economic zones, Georgian Foundation for Strategic and International Studies, 1-16 p. 2007// Данько Т.Л. (1998) Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М. С:168.// Данько Т.Л. (1998) Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. ИНФРА-М. С:168.// Kim Yeongjin. Shanghai Pudong new area development strategy, Invest Korea Agency pages 13-15. 2016

⁶ Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет // Мирзалиева С.С.Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: . И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати . Тошкент. ТДИУ, 2001. 8-бет. // Мустафакулов Ш.И. (2017) Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. "Iqtisod-Moliya". 326-бет.// Остонокулов А.А. (2017) Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. 08.00.08. Иқтисод фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент– 2018. 52-бет; // Раимжонова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослар, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. "Extremum-press" нашриёти, 2013 й, 173 б.// Валиев Б.Б. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. 08.00.02 Иқтисод фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент– 2017. 46 бет; // Бозаров С.С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018. 23-бет

эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-54-сонли “Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий, услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни тизимлаштириш ва таснифлаш;

хорижий мамлакатларнинг эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий ҳудудлар иштирокчилари томонидан инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш жараёнини тизимлаштириш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;

мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимлари юзасидан тегишли таклифлар, илмий хулосаларни шакллантириш;

Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишга оид ҳуқуқий асосларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш, эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш механизми ва дастакларини такомиллаштириш борасида илмий-назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, эркин иқтисодий ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб этишда юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, индукция, дедукция, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига бериладиган кредитлар бўйича гаров таъминотини суғурталаниш услуги суғурта мукофотини ундиришни киритиш асосида такомиллаштирилган;

эркин иқтисодий зоналарда қатнашчиларга солиқ ва божхона имтиёзларни бериш асосида инвестицион фаолликни оширилиши асосланган;

худудларга хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш мақсадида эркин иқтисодий зоналарда, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш амалиёти таклиф этилган;

эркин иқтисодий зоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларга устуворлик асосда жалб қилиш асосланган;

эркин иқтисодий зоналарнинг такомиллашган маъмурий-бошқарув тузилмаси ишлаб чиқилган ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, самарадорлигини таъминлашда ер майдонларини ажратиш тартиби соддалаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий худудларнинг такомиллашган таснифи ишлаб чиқилган;

эркин иқтисодий худудларга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш мақсадида инвестицион муҳитга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар аниқланган ва таснифланган;

хорижий мамлакатларнинг эркин иқтисодий худудлар орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш тажрибаси ўрганилган ва бу борада мамлакатимиз иқтисодиёти учун фойдали бўлган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган;

ЭИЗларга хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини янада оширишда муҳим бўлган инсон омилидан фойдаланиш мақсадида соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истикболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида уларнинг ЭИЗларда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ юзасидан таклиф ишлаб чиқилган;

ЭИЗ қатнашчилари ва уларнинг оила аъзолари республика худудида бўлишига оид виза режимини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, эркин иқтисодий худудларнинг маълумотларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг расмий статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни, эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлари асосида:

эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари – тадбиркорлик субъектлари томонидан тузиладиган импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш жараёнини соддалаштириш ва эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига бериладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти суғурталанишини расмийлаштиришда 0,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда суғурта мукофоти ундирилишини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли қарорининг 8 ва 10-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 28.05.2019 йилдаги № ДС/03-32/2906-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 12.07.2019 йилдаги № 06-18-6408-сонли маълумотномалари);

эркин иқтисодий зоналарнинг қатнашувчиларига солиқ ва божхона имтиёзларини бериш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги 196-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 28.05.2019 йилдаги ДС/03-32/2905-сон ҳамда ДС/03-32/2906-сон маълумотномалари, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 12.07.2019 йилдаги №06-18-6408-сонли маълумотномалари). Бунга асосан ЭИЗ иштирокчилари ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ҳамда республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловлари тўлашдан озод этилди. Натижада, 2018 йил якунларига кўра, эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзлари суммаси 97 млрд. сўмни ташкил қилган;

эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратишни янада соддалаштиришга оид таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сонли Фармонининг 1-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлигининг 28.05.2019 йилдаги №ДС/03-32/2906-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 12.07.2019 йилдаги № 06-18-6408-сонли маълумотномаси). Унга кўра, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштирилиши мазкур фармонда ўз аксини топган;

махсулот таннархини қисқартириш мақсадида эркин иқтисодий зоналарда муҳандислик-коммуникацияларини давлат бюджети ҳисобидан куриб бериш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги 418-сонли қарори билан тасдиқланган “Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини такомиллаштириш чоралар режаси”нинг 3-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 28.05.2019 йилдаги № ДС/03-32/2905-сонли маълумотномаси). 2018 йил якунларига кўра, республикада ушбу соҳага 40 млрд. сўм маблағ давлат бюджетидан ажратилган;

эркин иқтисодий зоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларга устуворлик билан жалб қилиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сонли Фармонининг 2-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 28.05.2019 йилдаги ДС/03-32/2906-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 12.07.2019 йилдаги № 06-18-6408-сонли маълумотномалари). Унга кўра, “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ, “Паркент-фарм” ЭИЗлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб, фармацевтика соҳасида хорижий инвестициялари жалб қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 17 та, жумладан 4 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, миллий ОАК эътироф этган журналларда 12 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда 17 та маъруза ва тезислар нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 217 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ва предмети аниқ белгиланган, илмий тадқиқот мавзусининг республика фан ва

технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кенг баён қилинган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, билдирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритилганлиги ва тадқиқот натижаларининг апробацияси, уларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун-моҳияти ва илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмуни ва уларнинг назарий асослари очиқ берилган. Бу борада хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқот ишлари билан танишиб чиқилди. Мазкур бобда эркин иқтисодий ҳудудларнинг келиб чиқиш тарихи ҳамда ривожланиш босқичлари тадқиқ қилинган. Жаҳондаги мавжуд эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари ва шакллари ўрганилиб, бу бўйича эркин иқтисодий ҳудудларнинг яхлит таснифи шакллантирилган.

Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисидаги тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти борасида тадқиқотлар олиб борган хорижий ва маҳаллий олимларнинг айрим фикрлари турлича эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бу борада иқтисодчи олим Т. Faroleнинг фикрича, “ЭИҲлар мамлакат ва тадбиркорлик субъектлари ҳудудида жойлашган демографик ҳамда географик жойлар”, деб таърифланган.⁷

Шунингдек, М.М. Богуславский фикрича, “Халқаро амалиётда давлатларнинг эркин иқтисодий ҳудудлари эркин иқтисодий зоналар”, деб тушунилади, бу ерда хорижий корхоналар фаолияти учун алоҳида қулай шарт-шароитлар аниқ иқтисодий ва бошқа вазифаларни ҳал қилиш учун яратилади дея эътироф этади.⁸ Т.П.Даньконинг талқинича эркин иқтисодий ҳудудларни “...қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни, савдотикни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми” сифатида баҳолайдилар.⁹ Республикамизда мазкур йўналишда қабул қилинган қонун ҳужжатларида эса, эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган: “Эркин иқтисодий зона”¹⁰ – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир”¹¹ дея белгиланган. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, фикримизча эркин иқтисодий ҳудудлар деганда, муайян иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кенгайтирилган мустақилликка, бошқарувнинг махсус режими ва инвесторлар иқтисодий фаолияти учун қулай шароитларга эга

⁷ Farole, T. (2011). Special economic zones in Africa: comparing performance and learning from global experience. Directions in Development; trade. World Bank

⁸ Богуславский М.М. Международное частное право. 5-е изд. М.: Юрист, 2004

⁹ Данько Т.Л. (1998) Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М. С:168.


¹⁰ Хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот ишида “Эркин иқтисодий зоналар” ва “Эркин иқтисодий ҳудудлар” синоним тушунчалар сифатида қаралади.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон

бўлган ҳудудни тушуниш мумкин. Фикримизча ушбу умумий таъриф, жаҳон амалиётида учрайдиган турли хил ва шакллардаги эркин иқтисодий ҳудудлар ва уларга берилган таърифларни битта умумий қаторда жойлаштириш имконини беради.

Дастлабки эркин иқтисодий ҳудудлар дарё бўйидаги йирик портларда жойлашган махсус ҳудудлар бўлиб, бундай эркин савдо ҳудудлари темир йўл кесишмалари, савдо йўллари ёки уларга тегишли бўлган жойлар, умуман олганда транзит манзилгоҳларида барпо этилган. Улар хорижий маҳсулотларни олиб кириш ва чиқишда бож тўловларидан озод қилинган ҳамда мамлакатнинг божхона чегарасидан ажратилган. Юқорида таъкидлаб ўтилган ўзига хос бўлган ушбу ҳудудларни эркин иқтисодий ҳудудларнинг биринчи авлоди сирасига киритиш мумкин.

Иккинчи авлод эркин иқтисодий ҳудудларга махсус тартиботли саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари киритилади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг учинчи авлодига техник ҳудудларни (технополислар, технопарклар, туризм, оффшор зоналар, банк-суғурта хизматлари ва бошқалар) киритиш ўринлидир. Ҳар бир даврда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўзига хос бир нечта турлари ташкил этилган.



1-расм. Дунёда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий ҳудудлар сони¹²

Ҳозирда дунё миқёсида 400 дан ортиқ эркин савдо ҳудудлари, 400 дан зиёд технопарк, технополислар, 100 дан ортиқ асосий фаолияти хизмат кўрсатишга мўлжалланган эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд.¹³ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига қараганда, умумий ҳисобда дунё бўйича 5000 дан ортиқ турли хилдаги эркин иқтисодий

¹² Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди (UNCTAD, The survey was conducted from February to April 2019).

¹³ Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции. – М.: Книгодел, 2010. С. 77.

худудлар мавжуд.¹⁴ Расм маълумотларидан кўринадик, ўтган асрнинг 70 йилларида ЭИХнинг сони 79 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, 5400 тани ташкил этаётганлиги ва қарийб 70 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, эркин иқтисодий худудларни ташкил қилиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар бир мамлакат учун фойдалидир. Бу худудлар кўплаб иш ўринлари ташкил қилишда, халқаро товар айрибошлашни жонлантиришда, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишда ва илмий-ишлаб чиқариш соҳаси салоҳиятидан кенг фойдаланишда самарали натижаларни бермоқда.

Диссертациянинг «**Эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш ва уларга инвестицияларни жалб этишнинг хориж тажрибаси**» деб номланган иккинчи бобида ривожланган мамлакатларда эркин иқтисодий худудларнинг ташкил этилиши ва ривожланиш тажрибаси, янги индустриал мамлакатлардаги эркин иқтисодий худудлар фаолиятининг ўзига хослиги ҳамда Хитойда эркин иқтисодий худудлар орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича орттирилган тажрибалардан мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилди.


Дунё мамлакатларининг кўп йиллик тарихий тажрибасидан маълумки, мамлакатдаги иқтисодий салоҳияти паст бўлган худудларни иқтисодий жиҳатдан “соғломлаштириш” борасида миллий ва хорижий инвестицияларнинг ўрни юқори ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётга инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТТХИ) жалб этиш борасида жаҳондаги мамлакатларнинг турлича ёндашувлари мавжуд. Бу борада эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш узоқ йиллар давомида самарали ҳисобланган иқтисодий чора-тадбирлардан биридир.

Бугунги кунда барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга бўлган талаби ортиб бормоқда. Чунки, инвестициялар иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий генератор вазифасини бажаради. Сўнгги 10 йиликка назар ташласак, дунё мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши кузатилаган (1-расм). Таҳлиллар кўрсатишича, 2009-2018 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими тебраниб турган. Бунинг асосий сабабларидан бири, 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётни барча тармоқларига кўрсатган салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, 2014-2015 йиллардаги Европа давлатларида бошланган инқирознинг иккинчи тўлқинининг умумий кўрсаткичларга таъсири, деб эътироф этишимиз мумкин.

Сўнгги йиллардаги молиявий инқироз нафақат иқтисодиётни заифлаштирди, балки аҳолининг камбағал ва молиявий жиҳатдан гуруҳларга бўлинишини жадаллаштирди. Ишсизлар сони ортишига, кўп сонли аҳоли даромадларини камайишига, турли хизматлар ва товарларга бўлган талабнинг пасайишига олиб келиб, пировардида мамлакатлар ўртасидаги сузиб юрувчи хорижий инвестицияларнинг оқими ҳам жиддий таъсирини кўрсатди.

¹⁴ Boyenge, ILO Database on export processing zones (revised) (ILO, 2016)



2-расм. 2009-2018 йилларда дунё мамлакатларига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши¹⁵


Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий қисми эркин иқтисодий ҳудудларга ва дунё мамлакатларининг реал сектори тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Маълумотларга кўра, дунё миқёсида ривожланган ва янги индустриал мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада эркин иқтисодий ҳудудларда яратилган инфратузилма тармоқлари ва қулай инвестицион муҳит хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу сабабдан ҳам юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мақбул усулларида бири бўлган – эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш борасида ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси билан танишиб чиқиш, улардаги энг яхши жиҳатларни миллий иқтисодиётимизга татбиқ этиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Қуйида иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳамда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича катта амалий тажрибага эга бўлган мамлакатлар тажрибаларини кўриб чиқамиз. АҚШ иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражаси бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан биридир. Сўнгги статистик кузатишлар асосида айтиш мумкинки, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва ривожланиш даражасининг динамикаси жаҳон иқтисодиёти тенденциясига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. Мамлакат ҳудуди 9,7 млн. км²., аҳолисининг сони 325,6 млн. кишини ташкил этади. АҚШнинг ЯИМ ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми бўйича йирик 10 та мамлакатдан бири

¹⁵ www.data.worldbank.org (Жаҳон банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳисобланади. АҚШ олтин валюта захираси жаҳон валюта захираларининг 65%га яқин миқдорини ташкил этди.




3-расм. 2013-2018 йилларда АҚШнинг ЯИМ ва унинг дунё ЯИМдаги улуши тўғрисида маълумот¹⁶

Юқоридаги расм маълумотларидан кўринадик, АҚШ бугунги кунда дунёда яратилаётган ЯИМнинг деярли чорак қисмига эгалик қилмоқда ва бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат таҳлилини рақамларда кузатадиган бўлсак, 2013 йилда АҚШ дунё ЯИМни қариб 22 фоиз улушга эгалик қилган бўлса, 2018 йилга келиб эса, ушбу кўрсаткич 2 фоизга ошиб 24 фоизни қайд этганлигини ва бу билан бугунги кунда дунёда иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлат эканлигини англатади.

АҚШ иқтисодиётининг ривожланишидаги муҳим хусусияти дунёнинг бошқа мамлакатларида такрорланмайдиган хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улуши юқорилигидадир. Статистик маълумотларга кўра, иқтисодиётда банд бўлганлар ва мамлакат ЯИМнинг 80 фоизга яқини хизматлар соҳасига тўғри келади. АҚШда қўлланиладиган макроиқтисодий ривожланиш модели иқтисодиётни ўз-ўзини бошқаришнинг бозор механизми асосида қурилган, давлат мулкчилигининг кичик улуши ва ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг сезиларли бўлмаган тўғридан-тўғри тартибга солиши билан тавсифланади.¹⁷ Бундан ташқари, эркин иқтисодий ҳудудлар АҚШнинг иқтисодиётдаги муҳим етакчи тармоқларининг асосий таянчларидан бири ҳисобланади. Улар орқали ташқи иқтисодий фаолият, ички савдо айланмаси ва тадбиркорлик соҳасида қулай инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш кабилар жадаллик билан муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.

¹⁶ www.data.worldbank.org (Жаҳон банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁷ Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дасрлик. – Тошкент. Baktrisa press, 2015, 88-89 – б.



4-расм. Дунё минтақалари бўйича глобал аҳамиятга эга бўлган эркин иқтисодий ҳудудларнинг тақсимооти¹⁸

Юқоридаги расм маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, АҚШ бугунги кунда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг ривожланиши борасида дунёда мавжуд эркин иқтисодий ҳудудларнинг қарийб 30 фоиз улушга эгаллик қилиб, энг етакчи мамлакатга айланган. Мамлакатдаги эркин иқтисодий ҳудудлар иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўзланган асосий мақсад тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодиёт соҳаларига ва ҳудудий иқтисодиёт тармоқларига эркин иқтисодий ҳудудлар орқали жалб этиш ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда бу борада мамлакат иқтисодиётига жалб этилган ТТХИ таркибида эркин иқтисодий ҳудудлар орқали жалб этилган хорижий инвестициялар улушини кузатишимиз мумкин.

1-жадвал

АҚШ иқтисодиётига 2014-2018 йилларда ЭИХ орқали киритилган хорижий инвестициялар таҳлили¹⁹

Йиллар	ТТХИ кириши, млн. АҚШ доллар	ЭИХга киритилган инвестициялар, млн. АҚШ доллар	
		Инвестициялар ҳажми	ТТХИлардаги улуши, %
2014	311856	288300	92,4
2015	509087	244800	48,1
2016	494457	225300	45,6
2017	354828	250600	70,6
2018	350786	249760	71,2

Ушбу жадвалдаги маълумотларда таҳлил этилган йилларда АҚШ иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши йиллар давомида ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигини кузатишимиз

¹⁸ Special Economic Zones: Global Experience and Best Practices. 2017

¹⁹ www.data.worldbank.org (Жаҳон банкининг расмий веб-сайти), www.economywatch.com, 79th Annual Report of the Foreign-Trade Zones Board to the Congress of the United States маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

мумкин. Мисол учун, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 311,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 350 млрд. долларга етган. ЭИХ орқали кириб келган хорижий инвестициялар улуши ҳам деярли ўсиш характерига эга бўлиб, умумий иқтисодиётга кириб келган (ТТХИ) инвестициялар 2016 йилда 45,6 фоизни 2018 йилга келиб, 71,2 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон амалиётида тўпланган улкан тажрибалар шуни кўрсатадики, ЭИХ мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида, хорижий инвестициялар оқимини мамлакат иқтисодиётига жалб этишда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. ЭИХ орқали юқори инвестицион ва иқтисодий самарадорликка эришган давлатлардан бири Хитой тажрибасини кўриб чиқамиз.

Хитойда ЭИХ – бу Хитой шаҳарларининг энг тез ривожланадиган минтақаларидир. Улар, биринчи навбатда, ЭИХ ташкил этишда энг асосий эътибор ердан фойдаланиш, саноатлаштириш ва модернизациялашга қаратилади. Бир қатор юқори технологик ишлаб чиқаришлар бир-бири билан ҳамоҳанг бўлади. Юқори технологик ишлаб чиқаришлар қанчалик сермахсул бўлса, энг кўп аҳолига эга Хитойнинг меҳнат билан бандлиги каби оммавий муаммоларини ҳал қилади. Бундан ташқари, юқори технологик ишлаб чиқаришларнинг ривожланиши Хитойга юқори даражада жаҳон аренасига чиқишга имкон берди.

Хитойда ЭИХнинг ташкил этилиши мамлакат экспорт ҳажмини ошишида катта эшикларни очиб берди. 1979 йилда Хитой экспорти 13,7 млрд. доллар бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 1506 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.²⁰ Бу рақамлар 2018 йилда янада ошиб, 2518 млрд. АҚШ долларига етди. 1979 йил билан солиштирилганда, 40 йил оралиғида қарийб 200 баробарга ошганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

2013-2018 йилларда Хитой экспорт ҳажми ва унинг жаҳон экспортдаги улуши²¹


Йиллар	Жаҳондаги экспорт ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Хитойда экспорт ҳажми, млрд. АҚШ доллари	Хитойнинг улуши, фоиз
2013	23 464	2 354	10,0
2014	23 868	2 463	10,3
2015	21 280	2 362	11,1
2016	20 877	2 200	10,5
2017	22 919	2 418	10,6
2018	23 118	2 518	10,9

Таҳлил этилган йилларда Хитой экспорти ҳажмида 2015-2016 йиллар оралиғида бироз пасайиш кузатилган, фикримизча АҚШ билан бўлаётган

²⁰ <http://forum.politikaonline.ru/index.php.showtopic>

²¹ www.data.worldbank.org (Жаҳон банкининг расмий веб-сайти), <https://www.researchgate.net> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

савдо уруши бунга таъсир кўрсатган. Бу пасайиш суръатлари вақтинчалик ҳолат ҳисобланади. Чунки, бир томондан, Хитой экспорти паст таннархи туфайли рақобатбардош ҳисобланса, иккинчи томондан, Хитой аксарият маҳсулотлар бўйича жаҳон бозорида монопол мавқега эга.



5-расм. Хитой иқтисодиётига ЭИХ орқали кириб келган ТТХИ динамикаси²²

Ривожланаётган мамлакатлар ичида иқтисодиётга ТТХИ учун қулай инвестиция муҳитини яратган мамлакат Хитой ҳисобланади. Мисол учун, 2005 йилда мамлакат ҳиссасига жами жаҳондаги ТТХИнинг 8 фоиз, яъни 72,8 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, 2006 йилда 5 фоиз 69,5 млрд. доллар, 2008 йилда эса фарқи 10 фоизни ташкил этган. Хитой иқтисодиётига ТТХИ XX асрнинг 80 йилларидан юқори суръатларда кириб кела бошлаган. 1980 йилда мамлакат иқтисодиётида жамғарилган ТТХИ 1 млрд. АҚШ долларни 1990 йилларга келиб эса, 21 млрд. АҚШ долларни бугунги кунга келиб эса, 168,535 млрд. АҚШ долларни ташкил қилиб, 1980 йилга нисбатан 168 баробарга кўпайганлигини кўриш мумкин. Хитой иқтисодиётига кириб келаётган ТТХИ ларда ЭИХ ўрни инвестицияларни жалб этишда мисли кўрилмаган аҳамият касб этади. Мисол учун 2013 йилда мамлакатга ЭИХ орқали киритилган жами инвестициялар ҳажмида ТТХИ 41,2 фоизни ташкил қилган, 2016 йилда 69,7 фоизни, 2018 йилга келиб эса, қарийб 168 млрд. АҚШ долларида кўпайиб, 72,6 фоизни қайд этиб, доимий равишда ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хитой иқтисодиёти ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудлар тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганлигини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

²² www.data.worldbank.org, www.economywatch.com, World investment report 2018/Special economic zones маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

- эркин иқтисодий ҳудудлардаги хорижий инвесторлар учун манфаатли махсус божхона ва солиқ имтиёзларининг қўлланиши;

- эркин иқтисодий ҳудудларда юқори хорижий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш натижасида яратилган маҳсулотларни кенг қўламли экспорт қилишнинг самарали механизмнинг яратилганлиги;

- эркин иқтисодий ҳудудларда иқтисодий ривожланишга эришишда илмий-техник жараёнлардаги моддий ресурслар истеъмолини ошириш ва бошқарувдаги инновацияларни оширишга қаратилган ҳар томонлама мустақил инновацияларга кенг имкониятлар берилганлиги ва бошқалар.

Умуман олганда, Хитойнинг бугунги кундаги иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудларнинг самарали фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Уларга кўп миқдорда хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларнинг кириб келиши мамлакат иқтисодий фаровонлик даражасининг юқори ва барқарор бўлишини таъминламоқда. Қолаверса, эркин иқтисодий ҳудудларга солиқ ва божхона имтиёзларини татбиқ этиш ҳамда инфратузилма комплексини ривожлантиришда, илмий-техник инновацияларни иқтисодиёт тармоқларида жадаллик билан қўллаш жараёнларида Хитой тажрибасидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳолати ҳамда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг макроиқтисодий тенденциялари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда сўнгги икки йилда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий-сиёсий ислохотлар асосида миллий иқтисодиёт таркибини жиддий ўзгартириш, модернизациялаш ва рақобатбардошлигини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Бу борадаги чора-тадбирлардан бири – эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши ва уларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш мамлакат ички бозоридаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришга йўналтирилган чет эл сармоясини жалб қилиш билан бирга:

- инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

- саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш ва валюта тушумини кўпайтириш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тўлиқ циклда маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат (экспорт) ҳудудларини ташкил этиш;

- маҳаллий маҳсулот ва хизматлар учун ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш, қадоқлаш талабларини жорий этиш орқали рақобатбардошлигини ошириш;

- хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бу борадаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмларни янада ривожлантириш;

- янги иш ўринларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Шу муносабат билан миллий иқтисодиётга инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим ташкилий шаклларида бири бўлган эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш тажрибаси ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни тузиш билан боғлиқ қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш 1995 йилда бошланган. 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, шунингдек, 2001 йил 7 декабрдаги “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар республикаимиз ҳудудида фаолият кўрсатувчи эркин иқтисодий зоналар ҳудудига хорижий инвестициялар кириб келишини таъминловчи муҳим норматив-ҳуқуқий асослардир.²³

Бу борада Ўзбекистон Ҳукумати томонидан эркин иқтисодий ҳудудларни алоҳида механизм сифатида ўрганиб чиқилди. Олинган хулосалар ва жамланган хориж тажрибалари асосида 1996 йил 25 апрелда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.²⁴ Мазкур қонун прогрессив кўринишда бўлиб, мамлакатимиз ҳудудларида инвесторлар фаолиятини янада либераллаштириш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган. Энг асосийси, қонун орқали эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб олинди. Ушбу қонунга мувофиқ, “Эркин иқтисодий зона - минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган

²³Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув қўлланма. Тошкент:ТДЮУ,2018. 116 бет.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон.

маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир²⁵”, дея талқин этилади.

Мазкур қонуннинг алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳатлари шуки, унда инвесторларни ҳар томонлама ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим кафолатлар акс этган, жумладан:

- инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди;
- эркин иқтисодий ҳудуддаги ҳар қандай инвесторларга давлат органлари томонидан етказилган зарарларни қоплаб берилиши қонуний мустаҳкамланди;
- эркин иқтисодий ҳудудларда хорижий корхоналар учун алоҳида валюта режимлари жорий этилиши белгиланди.

Мамлакатимизда ўрнатилган тартибга кўра, эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек, унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан, унинг чегаралари эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.²⁶

Эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.²⁷ Бу тартибнинг жорий этилиши эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолияти давомида ўз ички имкониятларини тўғри баҳолашга имконият яратади.

Мамлакатимизда ҳам бошқа давлатлар сингари эркин иқтисодий ҳудудларнинг бир нечта турлари, жумладан, эркин савдо зоналар, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий зоналарини тузиш қонуний жиҳатдан белгилаб қўйилган²⁸.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва ҳудудий иқтисодий-ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш мақсадида 2008 йилда 1 та, 2012-2013 йилларда 2 та, сўнгги икки йил мобайнида эса 18 та янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди. Шуниси аҳамиятлики, улар ёрдамида турли ҳудудларда муайян бир фаолиятни янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвесторларни янада кўпроқ жалб этиш имкони туғилди.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун зарурий қонунчилик асослари, солиқ ва божхона имтиёзлари ва турли преференциялар тизими шакллантирилган.

3-жадвал

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунининг 1-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг фаолият йўналишлари²⁹

№	ЭИЗ фаолият йўналиши	ЭИЗ номи
1	ЭИЗ саноат тармоқлари (9та)	“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах”, “Ургут”, “Гиждувон”, “Қўқон”, “Хазорасп”, “Наманган” ва “Сирдарё” ЭИЗ
2	ЭИЗ фармацевтика тармоқлари (7 та)	“Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” ЭИЗ
3	ЭИЗ қишлоқ хўжалик тармоқлари (2 та)	“Балиқ ишлаб чиқарувчи”, “Бухоро-агро” ЭИЗ
4	ЭИЗ туристик тармоқ	“Чорвоқ” ЭТЗ
5	ЭИЗ транспорт логистика соҳаси	“Термиз” ЭИЗ
6	ЭИЗ спорт инвентарларини ишлаб чиқариш бўйича	“Спорт” ЭИЗ

Бундан ташқари, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг умумий кўринишда асосий йўналишлари ва мақсадлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни яратиш учун, юқори нархли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш, ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс потенциалидан комплекс ва самарали фойдаланиш, яъни иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш;

- ташқи бозорда талабгор ва юқори нархли импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни замонавий ишлаб чиқаришни яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий инвесторларни тўғридан-тўғри жалб қилиш;

- маҳаллий хом ашё ва материаллар базасида бутун республика ва эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида саноат кооперациясининг ривож ва тор кооператив алоқалар асосида юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни локализация қилиш жараёнини чуқурлаштириш;

- ишлаб чиқариш, муҳандислик коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфраструктура ва логистика хизматларини жадал ўсишини таъминлаш;

- илмий ишлаб чиқариш марказларини яратиш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда иштирок этиш ва бошқалар.

Қуйидаги таҳлилий маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ҳозирга қадар мамлакатимиздаги мавжуд эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1191,9 млн. АҚШ доллар бўлган жами 190 тадан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 389,4 млн. АҚШ доллари

²⁹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

миқдоридаги хорижий инвестициялар жалб этилган. Келгусида лойиҳаларнинг умумий сонини 500 тага етгазиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



6-расм. Эркин иқтисодий ҳудудларда амалга оширилган ва истиқболдаги лойиҳалар тўғрисида маълумот³⁰

Уларга умумий қиймати 1412,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилмоқда. Ушбу кўрсаткич жами амалга оширилаётган ва истиқболдаги лойиҳалар қийматининг 40 фоиздан ортиғини ташкил этиши кўзда тутилган.


Умуман олганда, ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, улардаги мавжуд инфратузилма тармоқлари, яратилган қулай инвестициявий муҳит, барпо этилган саноат тармоқлари бўйича бири-биридан кескин фарқ қилади ва ўз навбатида ҳудудни ривожланишида хорижий инвестицияларни фаол жалб этишда бир қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни шартли равишда 2 гуруҳга яъни, ташқи ва ички омилларга ажратишимиз мумкин (7-расм).

Инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи ички омиллардан энг муҳими сифатида мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликни келтириб ўтиш лозим. Сабаби, ушбу омил ўзида мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан ЯИМ, унинг аҳоли жон бошига нисбатан тақсимооти, инфляция даражаси, ЯИМ дефлятори, давлат бюджетининг ижроси, саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, инвестицияларни жалб этиш ва бошқа кўпгина кўрсаткичларни ўзида акс эттиради. Айнан ушбу омиллар жаҳоннинг кўплаб рейтинг агентликлари ва халқаро рейтинг натижалари учун асос ҳисобланади. Ички омиллар гуруҳидан жой олган солиқ, божхона ва бошқа маъмурий имтиёзларнинг амал қилиши эркин иқтисодий ҳудудлар учун аҳамиятлидир. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан маълумки, ушбу гуруҳ имтиёзларини самарали амал қилиши хорижий инвесторлар томонидан

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

манфаатли таклифларнинг қаноатлантирилишининг кафолатларидан биридир.



7-расм. Инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи омиллар³¹

Умуман олганда, инвестицияларни кўпроқ жалб этишдаги юқори суръатлар билан ўсишига ижобий таъсир этадиган хорижий инвестициялар асосида ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган имтиёзлар ва преференцияларга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Буни эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун тақдим этиладиган солиқ, божхона ва маъмурий имтиёзларнинг амал қилишида ҳам кўриш мумкин. Эркин иқтисодий зоналарининг қатнашувчиларига солиқ ва божхона имтиёзларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги 196-сонли қарори асосида амалга оширилади. Унга кўра:

- ЭИЗ иштирокчилари ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона

³¹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

солиқ;

- ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

- республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловлари тўлашдан озод этилди.³²

Инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи омилларнинг энг муҳимларидан яна бири – бу улардаги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатидир. Эркин иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари, хусусан, автомобиль йўллари, темир йўл инфратузилмаси, сув таъминоти, ирригация канализация тамоқлари, электр таъминоти, газ таъминоти ва телекоммуникация тармоғини янада яхшилаш бўйича бир қатор мақсадли дастурлар қабул қилинди. Тасдиқланган Дастурлар 2017-2019 йилларда эркин иқтисодий зоналаридаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини жадал ривожлантиришни назарда тутиши билан аҳамиятлидир. Тасдиқланган Дастурларнинг асосий мақсадли кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатадики, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал ривожлантириш бўйича умумий қиймати 290 279,9 млн. сўм бўлган жами 53 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджети маблағлари 39%дан юқори эканлиги эркин иқтисодий зоналардаги инфратузилмани ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга эканлигини билдиради.³³

Шунингдек, юқорида келтирилган расмдаги инвестицион муҳитга таъсир этувчи ташқи омиллар гуруҳидан жой олган “Самарали ташқи сиёсатни юритиш” борасида ҳам мамлакатимизда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ доллариға тенг инвестициявий келишувларға эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда”.³⁴ Инвестиция муҳитининг яхшиланиб боришиға сабаб, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар орқали хорижий инвестицияларни жалб этишға алоҳида аҳамият берилмоқда.


Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2013 йилда мамлакатимиздаги мавжуд эркин иқтисодий зоналарға киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 33,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилға келиб, ушбу

³² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196 сонли қарори.

³³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 341-сон Қарорининг 1-иловасидан.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишға оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5635-сон Фармонидан

кўрсаткич 1264,7 млн. АҚШ долларга етган. Бу сўнгги икки йилда эркин иқтисодий зоналарнинг сони 2013 йилга нисбатан 18 тага ортганлиги билан изоҳланади.



8-расм. Ўзбекистонда ЭИЗларга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми ва уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улуши³⁵

Эркин иқтисодий зоналарга киритилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2013 йилда 0,1 %ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2014-2018 йиллар оралиғида ўртача 0,1-2,6 %ни ташкил қилган. Ушбу ҳолатни, эркин иқтисодий зоналарга киритилган хорижий инвестицияларнинг ошиб бориши билан бир қаторда мамлакат ЯИМ ҳажмининг ҳам тез суръатларда ўсиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарга киритилган умумий хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган ялпи хорижий инвестицияларидаги улуши 2013 йилда 1,3 фоизни, 2018 йилга келиб, 32,6 фоизни ташкил этгани албатта ижобий ҳолдир. Буни эркин иқтисодий зоналарнинг сони ортганлиги ва мамлакатда инвестицион муҳитнинг яхшиланиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон иқтисодиётига эркин иқтисодий ҳудудлар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муаммо ва ечимлари, эркин иқтисодий зоналардаги ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қартилган масалалар ҳамда эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш механизми ва дастакларини такомиллаштириш масалалари асосланган.


Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда уларнинг иштирокчилари –

³⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Тараққиёт стратегияси” маркази, мавжуд эркин иқтисодий зоналар расмий веб сайтлари томонидан эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

хорижий ва миллий инвесторлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади. Айнан иштирокчилар таркиби мамлакат иқтисодий ҳаётида ушбу янги ҳўжалик юритиш шаклининг муваффақиятини ёки омадсизлигини белгилаб беради.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, эркин иқтисодий ҳудудларнинг иштирокчилари нафақат хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун рағбатлантирувчи омилларнинг фарқланиши билан боғлиқ қийинчиликларга, балки бундай рағбатлантиришларнинг тескари, баъзан эса, ўзаро қарама-қарши тавсифи билан боғлиқ мураккабликларга ҳам дуч келади. Хорижий инвестор учун асосий муммоли бўлиши мумкин бўлган ҳолат (масалан, ички бозорга кириш имконияти) маҳаллий инвесторлар учун иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этувчиларнинг фаолиятини мураккаблаштирувчи яна бир омил шундан иборатки, улар хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан рағбатлар ва имтиёзларни ҳар хил тушунилиши мумкинлигидир. Масалан, ҳудудларда яхши ривожланган инфратузилма маҳаллий инвесторлар учун капитал қўйилмалар киритиш учун катта рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши мумкин, хорижий инвестор учун эса, бундай “рағбат” ҳудудга инвестицияларни киритиш бўйича қарор қабул қилишнинг мажбурий дастлабки шарти бўлиб ҳисобланади. Бунда хорижий инвестор учун бошланғич қадам бўлиб, ҳудуддаги инфратузилма даражаси эмас, балки ўз мамлакатада ёки бошқа хорижий мамлакатлардаги инфратузилма даражаси ва сифати ҳисобланади. Маҳаллий инвесторлар маълум бир аниқ ҳудудда ташкил этилган шарт-шароитларни жуда илғор ва техник жиҳатдан замонавий деб (масалан, бошқарув тизими) қабул қилишлари мумкин бўлса, айтилиши вақтда хорижий инвесторлар анча кескин қарашларга эга бўлиши мумкин. Ушбу зиддият енгиб бўлмас ҳолат бўлиб, эркин иқтисодий ҳудудлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мазкур ҳолатни эътиборга олиш зарур.³⁶ Хорижий инвесторни ҳудудда иштирок этишга қизиқтирувчи омил бўлиб, инфратузилманинг сифати (бу фақатгина дастлабки шартдир), товарлар ва хизматларнинг бож тўловисиз импорт қилиниши, солиқлардан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар эмас, балки, ички бозорга тўғридан-тўғри кириш имконияти ҳисобланади. Улар учун, ҳудудда ўз фаолияти натижасида олинадиган маблағлар ҳажми ва улардан фойдаланиш имконияти ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда муаммо фойдани, шу жумладан, айланмадаги мавжуд акциялар бўйича дивидендларни хорижга ўтказиш заруриятдан иборат. Кўпгина фирмалар ушбу масалани ҳал этмасдан туриб, эркин иқтисодий ҳудудларга йирик миқдорда капитал қўйилмалар киритишдан ўзларини тийиб турадилар. Бундан ташқари, Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишдаги бир қанча маъмурий бошқарув фаолият соҳасида ҳам муаммоларнинг мавжудлиги хорижий инвесторларнинг ўз инвестицияларини қафолатланишига бўлган ишончини шубҳа остида қўймоқда. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни маъмурий бошқарув тизими мураккаб иерархияга эга ҳисобланади (9-расм).

³⁶ Mahmudov N.M., Eshov M.P. va boshq. Jahon iqtisodiyotiga integratsiya. O'quv qo'llanma. T.:TDIU, 2011, 200 b.




9-расм. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг маъмурий бошқарув тузилмаси³⁷

Юқорида кўриб чиқилган эркин иқтисодий зоналарни маъмурий бошқарув тузилмаси хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бу борада, эркин иқтисодий зоналар Дирекцияси потенциал инвесторлар учун ер, бино ва иншоотларни бериш ҳуқуқига тўлақонли эгалик қила олмайди. Ушбу масалаларда эркин иқтисодий зоналар Маъмурий Кенгашлари ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли қарорларнинг чиқарилиши талаб этилади.

Бу ўз навбатида, муайян вақтни назарда тутаяди. Маъмурий Кенгашлар эса, республика миқёсидаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва агентликларнинг балансида бўлган ер, бино ва иншоотларни ажратиш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эгалик қила олмайди. Бунда ушбу вазирлик ва идораларнинг қарорлари қабул қилишини лозимдир. Ушбу муаммонинг амалий ечими сифатида, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий Кенгашлари ҳисобланган туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштириш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу таклифни амалга ошириш механизми қуйидаги расмда ифодаланган. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни жалб этишдаги яна бир муаммолардан бири бу – кўпгина эркин иқтисодий зоналар муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳолатининг яхши эмаслигидир. Бу борада эркин иқтисодий зоналардаги бир қанча корхоналар газ, сув ёки электр энергияси таъминотидаги бир қанча муаммолар сабаб ўз фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда кенгайтиришда, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга оширишда қатор муаммоларга учрамоқда.

³⁷ Олиб берилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.



10-расм. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг маъмурий бошқарув тузилмаси³⁸

Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналардаги инвестицион муҳитга ўз таъсирини кўрсатиб келадиган муаммолардан яна бири – норезидент шахслар ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон ҳудудига кириши, муайян муддат истиқомат қилишга рухсат берувчи визаларни олишдаги жиддий муаммоларга дуч келишади. Ушбу муаммони ечиш учун ЭИЗ қатнашчилари ва уларнинг оила аъзолари республика ҳудудида бўлишига оид виза режимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчиларига ва уларнинг оила аъзоларига “инвестиция визаси” бериш амалиёти жорий қилиш таклиф этилади.

Тадқиқотларимиз натижасида шунга гувоҳ бўлдикки, хорижий ва маҳаллий инвесторларни эркин иқтисодий зоналарга жалб этиш бўйича ягона рақамли стратегик воситалардан унумли фойдаланилмайди. Жумладан, эркин иқтисодий зоналарнинг веб-сайтлари ягона тизимга келтирилмаган, турли йўналишдаги қўпгина эркин иқтисодий зоналарнинг веб сайтлари мавжуд эмас. Улардаги инвестицион салоҳият ва истиқболли лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар етарли эмас. Бу йўналишдаги ушбу муаммонинг ечими сифатида хорижий инвесторларнинг республикамиз иқтисодий салоҳиятига қизиқишини ошириш мақсадида, эркин иқтисодий зоналар тўғрисида турли ахборотлар берувчи ягона порталини яратиш таклифи ўзининг ижобий натижасини кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда эркин иқтисодий ҳудудлар резидент ва норезидентлари бирон-бир лойиҳани бошлаш учун, хусусан, ер майдони ажратиш, бино ва иншоотни олиш, лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланиш кабиларга ҳаракат қилиш ва унга рухсат бериш миллий қонунчилигимизда муддат жиҳатдан ва бўйсунув тартиби бўйича мураккаб жараённи ташкил этади. Шу сабабли, эркин иқтисодий зоналарда “ягона дарча” тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан,

³⁸ Олиб берилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, эркин иқтисодий зоналар фаолият самарадорлигини оширишдаги муаммолардан бири салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва уларни эркин иқтисодий зоналарга жалб этишдир. Бу борада, тайёрланаётган кадрлар ҳамда олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истикболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ бўйича амалиётни йўлга қўйиш эркин иқтисодий зоналарнинг ҳозирда ва яқин истикболдаги кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини бериши мумкин.

ХУЛОСА

Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

1. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодиётни фаол ривожлантиришда чет эл инвестицияларни жалб этиш муҳим омиллардан биридир. Шунингдек, эркин иқтисодий ҳудудлар орқали миллий иқтисодиётга чет эл инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириб бориш хорижий инвестициялар билан ишлаш борасида асосий воситалардан бирига айланиб бормоқда.

2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг доимий ривожланиб боришини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг мазмун-моҳиятини тўлароқ илмий тадқиқ этиш, бугунги иқтисодий жараёнларнинг глобаллашувидаги энг яхши сифатларни эркин иқтисодий ҳудудларга интеграция қилишнинг илмий-назарий асосларини яратиш, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг тарихий ривожланиш эволюцияси ва халқаро савдо тизимида интеграциялашув даражасидан келиб чиққан ҳолда ушбу давлатларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг мақбул турларини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

3. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни гуруҳлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунга келиб эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни турлари бўйича ягона тасниф ишлаб чиқилмаган. Бу борада диссертация тадқиқот натижалари юзасидан эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари бўйича ягона тасниф шакллантирилди.

4. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг жадал ривожланиши, уларга хорижий инвесторларни жалб этиш, резидентларни ички инвестиция салоҳиятини эркин иқтисодий зоналар учун йўналтириш, эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолият самарадорлигини узлуксиз таъминлаш – мамлакатнинг инвестициявий салоҳиятига таъсир этувчи асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада уларни мамлакат бўйлаб жойлаштириш, уларнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш тобора долзарблик касб этмоқда.

Бу борада айтиш керакки, мамлакат Ҳукумати, етакчи молиявий-иқтисодий ташкилотлар, алоҳида молиявий институтлар ва ишбилармонлик доираси вакиллари томонидан эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг қўллаб-қувватланиши мамлакатдаги эркин иқтисодий ҳудудлар концепциясини фаол амалга ошириш, инвестицион жозибадорлигини таъминлашга шароит яратиб беради. Буни Ўзбекистонда сўнгги уч йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, эркин иқтисодий зоналар сонини 3 тадан 21 тага етказилиши, 150 та кичик саноат зоналарнинг жадаллик билан ташкил этилиши мисолида кўриш мумкин.

5. Ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланган – АҚШ иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, бу борада йирик таълим муассасаларининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш бўйича мамлакатда катта тажриба тўпланган. Ушбу йўналишда мамлакатнинг иқтисодий турғунликдаги ҳудудларида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш орқали иқтисодий (ҳудудда саноат ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш ва мавжуд фаолият кўрсатмаётган саноат тармоқларини қайта тиклаш) ва ижтимоий муаммолар (аҳоли бандлиги, инфратузилма тармоқлари ҳолатини яхшилаш)ни бартараф этишда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

6. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда борасида яхши тажрибага эга бўлган давлатлардан бири – Хитой иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий ҳудудлар тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганлигини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

- эркин иқтисодий ҳудудлардаги хорижий инвесторлар учун манфаатли махсус божхона ва солиқлар имтиёзларнинг қўлланиши;

- эркин иқтисодий ҳудудларда юқори хорижий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш натижасида яратилган маҳсулотларни кенг кўламли экспорт қилишнинг самарали механизмнинг яратилганлиги;

- эркин иқтисодий ҳудудларда иқтисодий ривожланишга эришишда илмий-техник жараёнлардаги моддий ресурслар истеъмолини ошириш ва бошқарувдаги инновацияларни оширишга қаратилган ҳар томонлама мустақил инновацияларга кенг имкониятлар берилганлиги ва бошқалар.

7. Тадқиқотлар давомида Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар фаолияти юзасидан маъмурий бошқарув тизими мураккаб тизимга эга жараённи ташкил этади. Тадқиқотлар натижасида шунга гувоҳ бўлдикки, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни маъмурий бошқарув тизими хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун муаммоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, эркин иқтисодий зоналарнинг Дирекциялари потенциал инвесторлар учун ер, бино ва иншоотларни бериш ҳуқуқи борасида маъмурий чекловлар мавжуд. Бу каби масалаларда эркин иқтисодий зоналар Маъмурий Кенгашлари ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли қарорларнинг чиқарилиши белгиланган. Бу борада, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий Кенгашлари ҳисобланган туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштириш таклиф орқали ушбу механизмнинг амалиётга жорий этилганлиги потенциал инвесторларга қулайлик яратади.

8. Ҳеч бир эркин иқтисодий ҳудуд тегишли инфратузилма тармоқларисиз, яъни ободонлаштирилган ҳудуд, телекоммуникация тармоғи, сув, электр энергия, аэропортга чиқиш, маҳаллий ва хорижий ходимлар учун уй-жой шароитларисиз муваффақиятли фаолият кўрсата олмайди. Потенциал хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан бундан 15-20 йил олдин нисбий устунлик сифатида қаралган бир қатор шароитлар, яъни эркин иқтисодий ҳудудларнинг яқинида жойлашган халқаро аэропорт, телекоммуникация муҳандислик тармоқлари, транспорт магистраллари, темир йўллар ва бошқалар ҳозирги пайтда инвестиция киритишнинг бошланғич шартлари бўлиб қолмоқда. Зеро, эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни жалб этишдаги муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг ривожланганлиги хорижий ва маҳаллий инвесторлар фаолият самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилади. Бу каби масалаларни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

9. Тадқиқотларимиз натижасида шунга гувоҳ бўлдикки, хорижий ва маҳаллий инвесторларни эркин иқтисодий зоналарга жалб этишда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ягона рақамли стратегик воситалардан самарали фойдаланилмайди. Бу йўналишдаги ушбу муаммонинг ечими сифатида хорижий инвесторларнинг республикамиз иқтисодий салоҳиятига қизиқишини ошириш мақсадида, Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналар тўғрисида турли ахборотлар берувчи ягона порталини яратиш таклифи ўзининг ижобий самарасини беради.

10. Жаҳонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши бўйича тўпланган улкан тажрибага қарамай, амалиёт тасдиқлашича, ҳозирги вақтга қадар бундай ўзига хос миллий-халқаро хўжалик тузилмаларининг универсал иқтисодий механизми ишлаб чиқилмаган.

Бу, энг аввало, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш турли мақсадларга эгаллиги туфайли уларда турли иқтисодий шароитлар ва чекловлар мавжудлигига асосланади. Айни вақтда жаҳоннинг турли минтақаларида ўнлаб ва юзлаб эркин иқтисодий ҳудудлар шакллантирилади. Обьектив равишда улар орасида ҳудудлараро рақобат юзага келади ва қулай инвестициявий муҳитни ташкил қилиш ва ушбу ҳудудларга хорижий ва миллий инвесторларни жалб қилиш мақсадида стимуллар ва солиқ имтиёзларни унификация қилиш тенденциясини намоён этади.

11. Салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва уларни эркин иқтисодий зоналарга жалб этиш - эркин иқтисодий зоналар фаолият самарадорлигини оширишдаги муаммолардан биридир. Тайёрланаётган кадрлар ҳамда олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ бўйича

амалиётни йўлга қўйиш эркин иқтисодий зоналарнинг ҳозирда ва яқин истиқболдаги кадрларда бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.1.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ
ИНСТИТУТ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

КАРИМҚУЛОВ ЖАСУР ИМОМБОВЕВИЧ

**НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ**

08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

**АВТОРЕФЕРЕТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема докторской диссертации (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.DSc/Iqt129.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Аннотация диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный советник:

Официальные оппоненты:

Гулямов Саидахрор Саидахмедович
Доктор экономических наук, академик

Жумаев Нодир Хосиятович
Доктор экономических наук, профессор

Кузиева Наргиза Рамазановна
Доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский институт экономики и сервиса

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета №DSc.27.06.2017.I.17.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, проспект Амира Темура, 60А, e-mail: info@tfi.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано № ____). Адрес: 100000, проспект Амира Темура, 60А. Тел.: 0(371) 234-53-34.

Аннотация диссертации разослана «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2019 года).

И.Н.Кўзиев

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени
д.э.н., профессор

С.У.Мехмонов

Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученой
степени, д.э.н., профессор

Ж.Х.Атаниязов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученой степени,
д.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Анализ международного опыта показывает, что устойчивый экономический рост страны и региона может быть достигнут за счет повышения инвестиционной активности, а также более широкого привлечения отечественных и иностранных инвесторов. В этом процессе свободные экономические зоны (СЭЗ) являются одной из наиболее эффективных форм стимулирования инвестиционной активности. Наличие специальных налоговых и таможенных режимов (льгот), дешевой рабочей силы, порядка ввоза и вывоза сырья и упрощения производства привлекают иностранных и отечественных инвесторов. Сегодня в целях привлечения иностранных инвестиций большое внимание уделяется созданию свободных экономических зон. “В настоящее время в мире насчитывается более 5400 свободных экономических зон, около 500 млрд долларов США мирового валового внутреннего продукта создается в свободных экономических зонах, на которых занято около 70 миллионов человек.”³⁹ В международной практике создание свободных экономических зон является одним из наиболее эффективных способов привлечения иностранных инвестиций в экономику страны.

В условиях глобализации мировой экономики проводится ряд научных исследований по привлечению иностранных инвестиций в свободные экономические зоны и повышению их эффективности. В этих исследованиях особое внимание уделяется вопросам модернизации экономики, привлечения иностранного капитала в создание СЭЗ, производства высоких технологий, повышения квалификации кадров и превращения слаборазвитых регионов в динамично развивающиеся регионы. В результате проведенных исследований решены вопросы обеспечения инвестиционной привлекательности СЭЗ, предотвращения региональной безработицы, интенсификации международного товарообмена, широкого использования научного и производственного потенциала в модернизации отраслей экономики за счет прямых иностранных инвестиций. Однако до сих пор не было сформировано каких-либо конкретных типов СЭЗ, и не было разработано единого подхода для привлечения иностранных инвестиций, поэтому важно проведение комплексных исследований по данному вопросу.

Необходимо отметить, что “В стране сформирована законодательная база, регулирующая деятельность свободных экономических зон, упрощен механизм управления их деятельностью за счет децентрализации административных функций и расширения полномочий административных советов свободных экономических зон и малых промышленных зон”.⁴⁰

³⁹ www.worldbank.org

⁴⁰ Указ Президента Республики Узбекистан УП-5600 от 21.12.2018 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы координации и управления деятельностью свободных экономических зон”.

В стране действуют 21 свободная экономическая зона для ускорения производства конкурентоспособных и ориентированных на экспорт современных промышленных товаров, замещающих импорт, а также для привлечения прямых иностранных инвестиций. В свободных экономических зонах “Навои”, “Ангрен”, “Джизак”, “Ургут”, “Тиждуван”, “Коканд” и “Хазарасп” реализовано 166 проектов на общую сумму 1049,2 млн. долларов США, создано более 11 000 рабочих мест.⁴¹ Однако результаты десятилетнего развития свободных экономических зон, созданных в нашей стране, показывают, что СЭЗ в Узбекистане в последние годы не стали «локомотивом» промышленного развития. Учитывая социальные, экономические и научно-технические особенности СЭЗ, из-за отсутствия среднесрочных и долгосрочных стратегий развития деятельности СЭЗ, а также единой государственной системы, ответственной за решение вопросов деятельности СЭЗ приток прямых иностранных инвестиций в СЭЗ является слабым и решение данных вопросов на сегодняшний день приобретает особую актуальность.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-5600 от 21 декабря 2018 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы координации и управления деятельностью свободных экономических зон”, УП-4853 от 26 октября 2016 года “О дополнительных мерах по активизации и расширению деятельности свободных экономических зон”, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3774 от 5 июня 2018 года “О мерах по расширению деятельности свободной экономической зоны «Навои» и созданию малых промышленных зон в Навоийской области”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 января 2018 года “О мерах по реализации Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-3356 от 25 октября 2018 года “О дополнительных мерах по повышению эффективности деятельности свободных экономических зон и малых промышленных зон” и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации.⁴² Тот факт, что вопросы создания и развития свободных экономических зон и активизации привлечения в них иностранных инвестиций находятся в центре внимания ряда ведущих международных финансово-экономических

⁴¹ Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан (www.president.uz)

⁴² www.worldbank.org; www.fias.net; www.ifc.org; www.miga.org; www.urfu.ru; www.iep.ru; www.frccsc.ru; www.pgplaw.ru; www.princeton.edu; www.investkorea.org

организаций, финансовых учреждений, авторитетных научных и высших учебных заведений по всему миру, в частности, Мирового банка (World Bank), Организации финансовых и страховых консультационных услуг (Financial and Insurance Advisory Services (FIAS)), Международной финансовой корпорации (The International Finance Corporation (IFC)), Многостороннего агентства по инвестиционным гарантиям (The Multilateral Investment Guarantee Agency (MIGA), Ural Federal University Named after the first President of Russia B.N. Yeltsin, Института экономической политики имени Е.Т. Гайдара (Институт Гайдара), Федерального государственного учреждения «Федеральный исследовательский центр «Информатика и управление» Российской академии наук», управляющего партнера юридической компании «Пепеляев, Гольцблат и партнеры», Princeton University (USA), Корейского Инвестиционного агентства свидетельствует об актуальности этого исследования.

На основе проведенных исследований эффективного привлечения иностранных инвестиций в свободные экономические зоны, улучшения их инвестиционного климата и интенсивного развития этих регионов был получен ряд научных результатов: усовершенствована методика инвестиционной привлекательности свободных экономических зон в глобальном инвестиционном движении (Мировой банк (World Bank)), Международная финансовая корпорация (The International Finance Corporation (IFC)); предложены эффективные направления применения административных, налоговых и других отдельных режимов в свободных экономических зонах (Организация финансовых и страховых консультационных услуг (Financial and Insurance Advisory Services (FIAS))); возможности увеличения инвестиционной активности свободных экономических зон в развивающихся странах проанализированы с помощью эконометрических моделей и разработаны рекомендации по обеспечению эффективности их использования (Ural Federal University Named after the first President of Russia B.N. Yeltsin и Институт экономической политики имени Е.Т. Гайдара (Институт Гайдара)), предложен инновационный механизм привлечения иностранных инвестиций с учетом влияния тенденций глобализации мировой экономики на свободные экономические зоны Узбекистана (Программа развития ООН в Узбекистане), раскрыты особенности создания свободных экономических зон в развивающихся странах (Организация экономического сотрудничества и развития (OECD)), усовершенствованы основные методы интеграции деятельности свободных портов в национальные логистические системы (Государственная служба доходов Республики Латвия).

